

**Jizzaxviloyatiavtomobilyo'llari**  
**hududiyboshboshqarmasi**  
**N I Z O M I**

## **I. У мумий қондалар**

Ўзбекистан Республикаси Президентининг 2017 йил 14 февралдаги “Йўл хўжалигини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тугрисида”ги ПФ-4954-сон Фармонида асосан тугатилаётган Автомобиль йўллари куриш ва фойдаланиш давлат-акциядорлик компанияси (“Ўзавтойўл” ДАК) негизида Ўзбекистан Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси ташкил этилган.

2. Ўзбекистан Республикаси Президентининг 2017 йил 14 февралдаги “Ўзбекистан Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси ва Ўзбекистан Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тугрисида”ги ПК,-2776-сон қарорига мувофиқ Жиззах вилояти автомобиль йўллари ҳудудий бош бошқармаси (кейинги уринларда - “Бош бошқарма”) Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси ташкилий тузилмасига киритилган бўлиб, Ўзбекистан Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитасининг (кейинги ўринларда - “Муассис”) 2017 йил 29 мартдаги 06-сонли буйруғига асосан ташкил этилган.

3. Ушбу Низом Бош бошқарманинг мақоми, асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари ва фаолиятининг ташкилий асосларини белгилайди.

4. Бош бошқарманинг тупик номи:  
ўзбек тилида - Жиззах вилояти автомобиль йўллари ҳудудий бош бошқармаси (қисқартмаси - Жиззах вилояти АЙХДБ);  
рус тилида - Территориальное главное управление по автомобильным дорогам Джизакской области (қисқартмаси - ТГУАД Джизакской области).

5. Жиззах вилояти автомобиль йўллари ҳудудий бош бошқармаси - “Жиззахавтойўл” ҳудудий йўллардан фойдаланиш ташкилотининг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

6. Бош бошқарма уз фаолиятини Ўзбекистан Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистан Республикаси Президентининг қарорлари, қарорлари ва қарорларига, Ўзбекистан Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва қарорларига, Муассиснинг қарорлари, қарорларига ва буйруқларига, мазкур Низомга ҳамда соҳага оид бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади.

Бош бошқарма уз фаолиятини тупик ҳужалик ҳисоби асосида амалга оширади ва бевосита Муассисга бўйсунди.

7. Ўзбекистан Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси Бош бошқарманинг Муассиси ҳисобланади.

8. Бош бошқарма уз вазифалари ва функцияларини амалга оширишда давлат ва ҳужалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотлар билан узаро ҳамкорлик қилади.

9. Бош бошкарма Жиззах вилоятидаги автомобиль йўллари давлат томонидан бошқарадиган махсус ваколатли идора булиб ҳисобланади ва вилоят ҳудудидаги автомобиль йўллари соҳасида Муассиснинг ягона техника сиёсатини олиб боради.

10. Бош бошкарма таркибига вилоят ҳудудида жойлашган туман йўллардан фойдаланиш унитар корхоналари, куприклардан фойдаланиш унитар корхонаси, йўллардан мунтазам фойдаланиш унитар корхоналари, давлат унитар корхона шаклидаги минтакавий йўлларга буюртмачи хизмати, унитар корхона шаклидаги минтакавий автомобиль йўллари таъмирлаш буйича ихтисослаштирилган корхоналар ҳамда Муассис томонидан урнатилган тартибда янги ташкил этиладиган корхона ва ташкилотлар қиради.

Бош бошкарма таркибига қирувчи корхона ва ташкилотлар узларининг ҳужалик мустақиллигини ва юридик шахе мақомини сақлаб қоладилар.

11. Бош бошқармани сақлаш ҳдражатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

12. Бош бошкарма давлат руйхатидан утқазилган қундан бошлаб юридик шахе мақомига эга булади ва унинг фаолият муддати чекланмаган.

13. Бош бошкарма Низомига узгартиришлар Муассиснинг қарорига асосан қиритилади ва белгиланган тартибда давлат руйхатидан утқазилади.

14. Бош бошкарма юридик шахе ҳисобланади, думалок муҳрга ва Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган уз номи давлат тилида ёзилган бланкаларга, алоҳида мол-мулкка, мустақил балансга, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Базначилигида ҳамда банкларда ҳисоб рақамларига, шунингдек хорижий валюта ҳисоб рақамига эга булади.

15. Бош бошкарма қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда уз номидан мулкӣй ва шаҳеӣй номулкий ҳуқуқларни олиши ва амалга ошириши, мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар булиши мумкин.

16. Бош бошкарма бошқ<sup>а</sup> корхона ва ташкилотларнинг Муассиси булишга ҳақли эмас.

17. Бош бошқарманинг юридик манзили: Ўзбекистон Республикаси, Жиззах вилояти, Жиззах шаҳри, Маданият маҳалласи, Пахтақор қучаси, 10- уй.

## **II. Бош бошқарманинг асосий вазифалари**

18. Бош бошқарманинг асосий вазифалари:  
вилоят ҳудудида автомобиль йўллари соҳасида Муассиснинг ягона техник сиёсатини олиб бориш;

вилоят автомобиль йўллари ривожлантириш давлат дастурлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва Муассисга қиритиш ҳамда гасдикланган давлат дастурларини амалга ошириш;

вилоят автомобиль йўллари тармоқларини ривожлантириш ва такомиллаштириш истикболларини белгилаш юзасидан Муассисга тақлифлар қиритиш;

вилоят ҳудудидан утадиган автомобиль йўлларининг халқаро транзит йўлақларини шакллантириш ва ривожлантириш буйича тақлифлар ишлаб чиқиш ва Муассисга қиритиш;

замонавий транспорт оқими шароитларида автомобиль йўлларидан

фойдаланувчиларнинг манфаатларини ҳисобга олиб, автомобиль йўлларида фойдаланиш масалаларини комплекс ҳал этилишини таъминлаш;

умумий фойдаланишдаги автомобиль йулларини сақлаш, жорий таъмирлаш, табиий офат оқибатларини олдини олиш ва бартараф этиш ҳамда жихозлаш (техника, машина-механизмлар, технологик ускуналарни харид қилиш) ишлари буйича буюртмачилик вазифасини амалга ошириш ҳамда сифати устидан назоратни олиб бориш;

хужалиқлараро кишлок автомобиль йўлларининг, шаҳарлар, шаҳар посёлкалари, кишлоклар ва овуллар кучаларини лойихалаштириш. қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишларини мувофиқлаштириш;

илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, автомобиль йўлларини лойихалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва сақлаш соҳасида инновацион технологиялар ва замонавий стандартларни жорий этиш;

автомобиль йўллари соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малақасини оширишни, укув-амалиёт курслари ва семинарлар ташкил этиш.

19. Бош бошқарма узига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини жорий таъмирлаш ва сақлаш борасида техник жихатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига риоя этилишини таъминлаш;

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари таъмирлаш ва сақлашда участкаларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга йуналтирилган тадбирларни амалга ошириш;

йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш мақсадида автотранспорт воситалари ҳаракатини вақтинча чеклаш ёки тўхтатишни жорий этиш буйича тегишли тақлифлар киритиш;

Бош бошқарма таркибидаги қорхона ва ташкилотлардаги сафарбарлик тайёргарлиги буйича улар фаолиятини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш;

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари давлат кадастрини юритиш;

автомобиль йўллари, шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктлари кучаларининг ҳисобини юритиш;

автомобиль йўлларининг техник ҳолатига қараб автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлашнинг ҳар йилги дастурларини шакллантириш буйича Муассисга тақлифлар киритиш ва тасдиқланган дастурларни амалга ошириш;

хужалиқлараро кишлок автомобиль йўлларини, шаҳарлар, шаҳар посёлкалари, кишлоклар ва овуллар кучаларини таъмирлашнинг ҳар йилги дастурларини урнатилган тартибда шакллантириш ва амалга ошириш ишларини мувофиқлаштириш;

вилоят автомобиль йўллари руйхатини шакллантириш юзасидан Муассисга тақлифлар киритиш;

вилоят автомобиль йўллари тармоғини такомиллаштириш ва ривожлантириш;

таркибидаги қорхона ва ташкилотлар фаолияти мониторингини олиб бориш ва иқтисодий таҳдил қилиш, шунингдек таркибидаги қорхона ва ташкилотларда молия-хужалиқ фаолиятини ва мол-мулкдан фойдаланилишини текшириш;

қулай ва хавфсиз ҳаракатни таъминлаш учун автомобиль йўлларида фойдаланиш, автомобиль йўлларида фойдаланишда йўл ҳаракати хавфсизлиги ва фавқулотда вазиятлар органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш;

фуқароларни қабул қилишни ташкил этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг оғзаки ва ёзма мурожаатлари ўз вақтида ва тўлиқ қўриб чиқилишини таъминлаш, улар буйича қарорлар қабул қилиш ва ариза берувчиларга қонун ҳужжатларида белгиланган муддатда жавоблар юбориш;

вилоят умумий фойдаланишдаги автомобиль йулларини сақлаш, жорий таъмирлаш,

табий офат окибатларини олдини олиш ва бартараф этиш хдмда жихозлаш (техника, машина-механизмлар, технологик ускуналарни харид килиш) ишлари буйича буюртмачилик вазифасини амалга ошириш ҳамда сифати устидан назоратни олиб бориш;

вилоят худудидаги хужаликлараро кишлок автомобиль йўлларининг, яхаларлар, шаҳар посёлкалари, кишлоклар ва овуллар кучаларини лейихалаштириш, куриш, реконструкция килиш ва таъмирлаш ишларини мувофиқ аштириш;

вилоят умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини жорий таъмирлаш ва сақлаш устидан техник кузатиш;

вилоят умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини сақлаш ва жорий таъмирлашда кулланидиган йўл-курилиш материаллари, буюмлар ва конструкцияларнинг сифати устидан назорат килиш;

вилоят худудидаги хужаликлараро кишлок автомобиль йўллари, шаҳарлар, шаҳар посёлкалари, кишлоклар ва овуллар кучалари тармогини ривожлантириш ва такомиллаштириш юзасидан шаҳарлар ва туманларнинг бош режаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

автомобиль йўллари соҳасида техник жихатдан тартибга солиш борасидаги норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш буйича Муассисга таклифлар киритиш;

автомобиль йўллари соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

автомобиль йўлларини лойиҳалаштириш, куриш, реконструкция килиш, таъмирлаш ва сақлаш соҳасида илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш ва олиб бориш:

йўл курилишини прогнозлаштириш, мувофиқлаштириш ва амалга оширишнинг замонавий усуллари талабларига мувофиқ автомобиль йўллари соҳасида мал акали кадрлар тайёрланишини, қайта тайёрланишини таъминлаш;

улувчиларнинг олинган назарий билимларини ишлаб чиқариш амалиётида мустаҳкамлаш мақсадида соҳага оид таълим муассасалари билан узаро ҳамкорлик килиш;

вилоят худудидаги хужаликлараро кишлок автомобиль йўллари\шаҳарлар, шаҳар посёлкалари, кишлоклар ва овуллар кучаларининг мавжуд тармогини таъмирлаш буйича маҳал л ий ижро этувчи ҳокимият органлари билан келишилган ҳолда йўл таъмирлаш ишлари манзил руйхатларини ишлаб чиқиш ва куриб чиқиш учун Муассисга киритиш;

ишлаб чиқаришни техникавий ва ашёвий таъминоти, аниқ иш бажарувчини танлаш, иш хақи тулашни урнатилган тартиб ва усулларни куллаш, ишчи хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш, шунингдек атроф-муҳитни муҳофаза килиш талабларини бажарилишини ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни назорат килиш;

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини жорий таъмирлаш ва сақлаш ишлари маблағларидан самарали фойдаланиш ва уларни автомобиль йўлларининг аҳамияти буйича амалдаги қонунчилик талаблари асосида йуналтириш ишларини мувофиқлаштириш.

### **III. Муассиснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

20. Муассис қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қуйидаги ҳуқуқларга эга:  
Бош бошқарма фаолиятининг мақсади, вазифалари, функциялари, предмети, турларини белгилаш;

Бош бошқарма Низомини тасдиқлаш, унга узгартириш ва қушимчалар киритиш ҳамда бекор килиш;

Бош бошқарма бошлигини урнатилган тартибда тайинлаш, у билан меҳнат шартномасини тузиш ва тузилган меҳнат шартномасини белгиланган тартибда муддатидан олдин бекор килиш;

Бош бошқармани қайта ташкил этиш ва (ёки) тугатиш, номини узгартириш тугрисида қарорлар қабул килиш, тугатиш комиссиясини тайинлаш ва тугатиш

балансларини тасдиклаш;

Бош бошкарма мулкига оид битишувларни хакикий эм ас деб эътироф этиш тугрисидаги даъво билан судга мурожаат килиш;

Бош бошкарманинг ортикча, фойдаланилмаётган ёхуд белгиланган максатда фойдаланилмаётган мулкни урнатилган тартибда олиб куйиш ва уларни тасарруф этиш;

Бош бошкарма ва унинг таркибидаги корхона ва ташкилотлар бошқарув аппарата ташкилий тузилмасига бошқарув ходимларининг белгиланган чекланган умумий сони доирасида узгартиришлар киритиш;

Етказилган зарарларни ундириш тугрисида Бош бошкарма бошлиги хамда Бош бошкарма таркибидаги корхона ва ташкилотлар раҳбарларига нисбатан судларга даъво тақдим этиш;

Ўзбекистан Республикаси конунчилигида назарда тутилган барча ҳуқуқ ва имтиёزلардан фойдаланиш.

21. Муассис куйидагиларга мажбур:

Бош бошкарма бошлигини урнатилган тартибда тайинлаш, меҳнат тугрисидаги конун ҳужжатларига мувофиқ Бош бошкарма бошлиги билан меҳнат шартномасини тузиш;

Бош бошкармага берилган мулкдан максатли фойдаланилишини ва сакланишини, шунингдек унинг бегоналаштирилишини назорат килиш.

#### **IV. Бош бошкарманинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

22. Бош бошкарма конун ҳужжатларида белгиланган тартибда куйидаги ҳуқуқларга эга:

вилоят иул хужалиги фаолиятидаги барча масалалар буиича тегишли давлат : сшқарув идораларига таклифлар, фикр-мулоҳазалар киритиш;

меҳнат унумдорлигини ошиши ва ишларнинг сифатини таъминлайдиган :ехнатга

ҳақ тулашнинг турли шаклларини куллаш;

меҳнат жамоасини ижтимоий ривожлантириш масалаларини хал килиш;

давлат органлари, уюшмалар, корхоналар ва ташкилотлар билан узаро муносабатларда Бош бошкарма таркибига кирувчи корхона ва ташкилотлар 'анфаатларини химоя килувчи вакил булиш;

таркибига кирувчи корхона ва ташкилотларнинг молиявий-хужалик эоштытидан олинган соф фойдалари хисобидан Муассис билан келишилган холда арказлашган жамгармалар ташкил килиш, хамда Муассиснинг марказлашган жамтармасига ушбу корхона ва ташкилотларнинг соф фойдаси хисобидан Ўзбекистан Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 9 июндаги 1- °-сон\*и қарори билан белгиланган зарурий фойда микдори бундан мустасно) урнатилган ажратмаларни (туловларни) йигиб марказлашган холда тулаш;

Ўзбекистан Республикаси конунчилигида назарда тутилган барча ҳуқуқ ва имтёزلардан фойдаланиш.

23. Бош бошкарма бошлиги Бош бошкарманинг яккабошчилик тартибида эо.тият юритувчи ижрочи раҳбари хисобланади ва Бош бошкарма олдида г .тгнлган вазифаларнинг бажарилишини ташкил этади, хусусан Бош бошкарма нс нпан ишончномасиз фаолият курсатади, шу жумладан унинг манфаатларини

юддади. Бош бошкарма номидан битимларни белгиланган тартибда амалга СЕГтгЕди. ходимларни ишга қабул килади, улар билан меҳнат шартномаларини Т:-ДЕДИ. уларни узгартиради ва бекор килади, буйруқлар чиқаради ва конун •д.Егжътдариди белгиланган тартибда ишончномалар беради.

2-. Бош бошкарма бошлиги Бош бошкармага юкланган вазифа ва сугжнияларга

мувофик Бош бошкарма фаолиятининг ташкил этилиши учуй \_Ехсгн жавоб беради.

25. Бош бошкарма бошлиги Бош бошкарма ходимларининг штат жадвали буйнча сони, уларнинг лавозим тариф разрядлари ва иш хаки микдорларини Муасси\* билан келишилган холда тасдиқлайди.

26. Бош бошкарма бошлиги Муассис олдида ушбу Низомда белгиланган тЕгтнбда Бош бошкарма фаолияти тугрисида ҳисоб беради.

27. Бош бошкарма бошлиги уз ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширишда НЕ вЕзифаларини бажаришда Бош бошкарма ва унинг таркибидаги корхона ва Еджллотлар манфаатларини кузлаб ҳаракат қилади, бюджет ва бюджетдан 7ЕЕЕ-:ари фондларга мажбурий туловларни, иш хакини уз вақтида туланиши. меҳнат вхуқлари ва муносабатларидан, уларга тенглаштирилган туловлардан келиб ЧЕХЕЕиған барча талабларнинг қондирилиши, Бош бошкарманинг ишлаб чиқариш : ЕС л пяти билан бевосита боғлиқ булган эҳтиёжлар учун пул маблағларининг утқазилмаганлиги. узининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) туфайли, шу жумладан Бош бошкармага берилган мол-мулкларнинг тулик сақланиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

28. Бош бошкарма уз таркибидаги корхона ва ташкилотлар томонидан бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга туловларнинг, корхона ва ташкилотлардаги ишчи-ҳодимларнинг иш хаки ва унга тенглаштирилган туловларни уз муддатида амалга оширилишини ташкиллаштириш учун шахсан жавобгар ҳисобланади.

Шунингдек, Бош бошкарма уз таркибидаги корхона ва ташкилотларнинг молиявий-иктисодий курсаткичларини тулик мониторингини юритади, дебитор ва кредитор қарздорликларнинг ошишига, корхона ва ташкилотлар томонидан асоссиз қаражатларга йўл қуйилмаслиги буйича шахсан жавобгар ҳисобланади.

29. Бош бошкарма қуйидагиларга мажбур:

вилоят ҳудудидаги автомобиль йўлларининг соғ ҳолатини, уларда транспорт воситаларининг узлуксиз ва ҳавфсиз юришини таъминлаш қораларини қуришга;

вилоят ҳудудидаги автомобиль йуллари сифатли ва уз вақтида жорини таъмирланиши ва сақланишини таъминлашга;

таркибидаги корхона ва ташкилотлар томонидан молиявий маблағлар, энергия ресурслари, ишлаб чиқариш қувватлари ва йўл-қурилиш техникасидан самарали фойдаланилишини ташкил этишга;

Бош бошкармага берилган мулкдан мақсадли фойдаланиши ва сақланиши, шунингдек унинг беғоналаштирилишини назорат қилишга;

Ўзбекистан Республикасининг амалдаги қонунчилигига қатъий равишда риоя қилишга.

## **V. Бош бошкарманинг жавобгарлиги**

30. Бош бошкарма уз мажбуриятлари буйича узига тегишли мулк билан жавоб беради. Бош бошкарма Муассис ва Бош бошкарма таркибидаги корхона ва ташкилотларнинг мажбуриятлари буйича жавоб бермайди.

Муассис Бош бошкарма ва унинг таркибидаги корхона ва ташкилотларнинг мажбуриятлари буйича жавоб бермайди.

## **VI. Бош бошкарма фаолиятини ташкил этиш**

31. Бош бошкармани Муассис томонидан урнатилган тартибда тайинланган

бошлик бошқаради. Бош бошқарма бошлиги уринбосари, бош мухандиси ва бош ҳисобчиси Муассис билан келишилган ҳолда Бош бошқарма бошлиги томонидан лавозимга тайинланади ва озод этилади.

32. Бош бошқарма ҳисобот даври тугагач, ваколатли органларга молиявий ҳисоботни ва руйхати қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳужжатларни тақдим этади, ҳамда ҳужжатларнинг сақланиши ва уларнинг белгиланган тартибда давлат томонидан сақлашга берилиши учун жавоб беради.

33. Бош бошқарма ҳисобот даври (чорақлик, йиллик) якуни бўйича узининг ва таркибидаги корхона ва ташкилотларнинг йигма баланс, молиявий ва бухгалтерия ҳисоботларини Муассисга урнатилган тартибда топширади. Бош бошқарма уз таркибидаги корхона ва ташкилотлар балансларининг тулиқлигини назорат дилади ва ҳаққонийлигига жавоб беради ҳамда ушбу масалалар учун масъул ва жавобгар ҳисобланади.

34. Бош бошқарма фаолиятини ҳужалик юритувчи орган сифатида назорат қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Муассис ва бошқа ваколатли органлар томонидан амалга оширилади.

35. Бош бошқарма мулки давлат мулки ҳисобланади, ҳамда:  
Муассис томонидан Бош бошқармага бириктирилган (берилган) мулк;  
Бош бошқарманинг уз фаолиятидан олинган даромадлари ҳамда қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа манбаалар ҳисобига шакллантирилади;  
Бош бошқарма мулкининг қиймати унинг мустақил балансида акс эттирилади.

36. Бош бошқарма мулки бўлинмас мулк ҳисобланади.

37. Бош бошқарма мулкини тасарруф этиш қўйидаги ҳолларда Бош бошқарма бошлиги томонидан фақат Муассис билан келишган ҳолда амалга оширилади:  
асосий воситаларни балансдан чиқариш, сотиш, уларни ижарага ёки гаровга топшириш;  
мулкни бошқа ҳужалик жамияти устав фондига улуш сифатида қушиш;  
мулкни Бош бошқарма фаолияти мақсадларига мувофиқ бўлмаган бошқача тарзда тасарруф этиш.

## **VII. Бош бошқармани қайта ташкил этиш ва тугатиш**

38. Бош бошқарма Муассис қарори билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ёхуд суд қарорига биноан қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши мумкин.

## **VIII. Якуний қоидалар**

39. Ушбу Низомда тартибга солинмаган масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

40. Низом амалдаги қонунга мувофиқ руйхатдан утқазилган қундан бошлаб қучга қиради.

**Бош бошқарма бошлиги \_\_\_\_\_**